

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАХРАТДИНОВ АЛПАМЫС АБДИРАШИТОВИЧ

**МОДИФИКАЦИЯЛИ БЕТОН ВА ИККИЛАМЧИ ТЎЛДИРУВЧИЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИБ САМАРАЛИ ТЕМИРБЕТОН ТЎСИН ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Пахратдинов Алпамыс Абдирашитович

Модификацияли бетон ва иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб самарали темирбетон тўсин олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....5

Пахратдинов Алпамыс Абдирашитович

Разработка технологии получения эффективных железобетонных перемычек из модифицированного бетона с использованием вторичных заполнителей.....21

Pakhratdinov Alpamis Abdirashitovich

Development of technology for obtaining effective reinforced concrete lintels from modified concrete using secondary aggregates.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....40

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАХРАТДИНОВ АЛПАМЫС АБДИРАШИТОВИЧ

**МОДИФИКАЦИЯЛИ БЕТОН ВА ИККИЛАМЧИ ТЎЛДИРУВЧИЛАРДАН
ФЙДАЛАНИБ САМАРАЛИ ТЕМИРБЕТОН ТЎСИН ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.4.PhD/Т1483 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ильясов Алланазар Тореханович**
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар: **Баходиров Азизбек Абдулазизович**
техника фанлари доктори, профессор
Шокиров Туйгунжон Тургунович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» Март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси 7в-уй. ТАҚИ, Архитектура факультети. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№73 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси 7-уй. Тел.: (99871) 232-43-30; факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» Феврал куни тарқатилди.
(2021 йил «28» Декабрдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Аскарлов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қурилиш саноатининг қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида материалларнинг ресурс ва энергиятежамкор таркиблари ва уларни ишлаб чиқариш технологияларни такомиллаштиришнинг самарали усулларини қўллаш масалалари етакчи ўринни эгаллаган. Бу борада, жумладан яроқлилиқ муддати ўтган бино ва иншоотларнинг демонтаж қилинган бетон ва темир-бетон конструкциялари, шу билан бирга темир-бетон корхоналари ва қурилиш майдонларидаги бракка чиқарилган конструкциялар ва бетон қолдиқларини утилизация қилиш мақсадида механик ишлов бериш орқали майдалаб, иккиламчи тўлдиргичлар ишлаб чиқариш ва улардан бетон ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда табиий тўлдиргичларни иқтисод қилиш имконини бериб, талабларга жавоб берувчи иккиламчи тўлдиргич ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, қайта ишлаш технологиясига қараб, ҳосил бўладиган фойдали таркибий қисмлар - йирик тўлдиргич (иккиламчи шағал), майда тўлдиргич (майдаланган бетондан кум), кум-шағал шаклидаги аралашмаларнинг хоссаларини аниқлаш, улардан бетон ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, улардан фойдаланишни техник-иқтисодий ва экологик баҳолашга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада иккиламчи тўлдиргичлар хоссаларининг (гранулометрик таркиби, ғоваклиги, сув шимувчанлиги ва бошқ.) тайёрланадиган бетон қоришмаси ва қотган бетон хоссаларига таъсири, цемент тоши ва иккиламчи тўлдиргич орасидаги контакт зонаси, қотаётган бетонда структура ҳосил бўлиши, бетон таркибини оптималлаштириш каби илмий тадқиқот ишларини бажариш билан бир қаторда, норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берувчи, таннархи арзон, экологик тоза бетон таркиблари, темир-бетон буюм ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Шу билан бир қаторда, бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида ҳосил бўладиган бетон ва қурилиш аралашмалари чиқиндиларидан иккиламчи хомашё сифатда фойдаланишга қаратилган тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилади. Бу борада, “..... қурилиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларидан такрор фойдаланиш, уларни утилизация қилиш ёки қайта

ишлашга йўналтириш.....”¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, иккиламчи тўлдиргичлардан фойдаланиб бетон қоришмаси таркибини ишлаб чиқиш ва темир-бетон буюм ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг кучга кириш санаси 2021 йил 28 январдаги 40-сон “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Цементли бетонларни ишлаб чиқаришда материал ва энергия сарфини камайтириш, шунингдек иккиламчи ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу соҳада таниқли хорижий олимлар - Головин Н.Г., Пуляев С.М., Баженов Ю.М., Москвин В.М., Бибиқ М.С., Балакшин А.С., Воронин В.В., Алимов Л.А., Везгодов И.М., Загрусский В.А., Зайцева Е.И., Коровкин М.О., Павленко С.И., Калиев И.П., Канаев А.Ю., Князева В.П., Микульский В.Г., Лепей О.А., Муртазаев С.А.Ю., Чумаченко Н.Г., Lewis N.G. Lin S.J. Yean W.Q., Ram Baby D., Neale G., Hornof V., Yoshio Kasai ва ва бошқа олимлар кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Мамлакатимиз олимлари Қосимов Э.У., Самиғов Н.А., Акрамов Х.А., Адилходжаев А.И., Ходжаев С.А., Тўлаганов А.А., Камилов Х.Х., Махаматалиев И.М., Цой В.М., Газиев У.А., Сатторов З.М. ва бошқалар турли йилларда олиб борган илмий тадқиқотларида муҳим натижаларга эришганлар.

Амалга оширилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, яроқлилик муддати ўтган бино ва иншоотларнинг демонтаж қилинган бетон ва темир-бетон конструкциялари, шу билан бирга темир-бетон корхоналари ва қурилиш майдонларидаги бракка чиқарилган конструкциялар ва бетон қолдиқларини утилизация қилиш мақсадида механик ишлов бериш орқали майдалаб олинган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига

иккиламчи тўлдиргичлардан бетон ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқаришда маълум бир даражадаги натижаларга эришилганини кўрсатди. Бироқ, иккиламчи тўлдиргичлар ва пластификаторлардан фойдаланиб тайёрланган бетонларнинг таркибларини ишлаб чиқиш структураси, физик-механик хоссалари ва иқлим шароитларига чидамлилиги масалаларини ўрганиш ҳамда уларни тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқиш масалалари шу кунга қадар етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгроқ тадқиқ қилишни талаб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг ОТ-А-1425-сон “Модификацияланган бетон асосидаги композицион қурилиш материалларини олиш, таркиблари ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб самарали бетон қоришмаси таркиблари ва ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги бетон қоришмаси учун хомашё материалларини танлаб олиш ва хоссаларини тадқиқ этиш;

иккиламчи тўлдирувчилар асосида оғир бетоннинг таркибларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;

иккиламчи тўлдирувчилар асосида оғир бетон хоссаларини тадқиқ этиш;

иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб темирбетон буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккиламчи тўлдирувчилардан тайёрланган модификацияланган бетон ва унинг асосидаги темирбетон тўсин олинган.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи тўлдирувчилардан тайёрланган модификацияланган бетон ва унинг асосидаги темирбетон тўсиннинг физик-механик, технологик ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда замонавий физик-механик ва физик-кимёвий тадқиқот ҳамда тажрибаларни математик режалаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи тўлдирувчилардан тайёрланган бетонларда тўлдирувчи юзасидаги қолдиқ кум-цемент қоришмаси ва пластификатор таъсирини ҳисобга олган ҳолда структуранинг шаклланиши асосланган;

иккиламчи тўлдирувчилардан тайёрланган бетон мустаҳкамлигининг сув-цемент нисбати, майда ва йирик тўлдирувчилар нисбати ва миқдори шунингдек, пластификатор миқдorigа боғлиқлигини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқилган;

иккиламчи тўлдирувчилардан тайёрланган бетон қоришмасининг реологик хоссалари ва қотган бетоннинг ўртача зичлигига нисбатан бетонларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб темирбетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси - қурилиш ишлаб чиқаришининг атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсирини, иш зонасидаги ҳаво таркибидаги қумли чанг микдорини икки мартадан кўпроққа пасайтириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб тайёрланган бетоннинг оптимал таркиби ва бетонни ишлаб чиқариш технологик параметрларнинг қийматларини ҳисоблаш имкониятини берувчи ЭХМ учун дастур ишлаб чиқилган;

иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб бетон ва йиғма темирбетон конструкциялари тайёрлаш учун портландцемент, иккиламчи тўлдирувчи, пластификатор асосида самарали бетон, бетон қоришмаларининг ресурс тежамкор таркиблари ишлаб чиқилган;

“Майдаланган бетондан олинган чақиқ тошлар асосида тайёрланган иккиламчи тўлдирувчилар, бино ва иншоотларнинг турли конструкциялари учун темирбетонли брусокли тусин” бўйича техник шартлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий асбоблар ва стандарт усулларни қўлланилган ҳолда бажарилганлиги, тажрибаларни норматив ҳужжатлар талабларига мос равишда амалга оширилганлиги, ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг мос келиши ҳамда уларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи тўлдирувчилардан тайёрланган бетонларда структура ҳосил бўлишини аниқланганлиги, уларнинг мустаҳкамлиги бетон қоришмасининг реологик хоссаларига боғлиқлигини аниқланганлиги ва иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб темирбетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Ўзбекистон ҳудудида бетон ва темир-бетонни майдалаб олинган ҳосил бўладиган иккиламчи тўлдиргичлардан фойдаланиб бетон ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши модификацияли бетон ва иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиб самарали темирбетон тўсин олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иккиламчи чақиқ тошлар асосидаги бетоннинг ишлаб чиқилган таркиби «STROY VEKTOR PLUS» ХК ва «CONCRETE BULID» ТББ МЧЖда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 14 октябрдаги 01-07/01-2071-сон маълумотномаси). Натижада фойдаланилаётган

тўлдирувчилар нархига нисбатан икки баробар арзон иккиламчи тўлдирувчилардан фойдаланиш имконини берган;

Натижада “1.038.1-1 серияли” ГОСТ 948-84 талабларига жавоб берувчи темир-бетон стандарт конструкцияларини ишлаб чиқаришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 3 та ҳалқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий ва илмий-техник анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, шу жумладан чет элда 2 та мақола чоп этирилган ва 1 та ҳисоблаш дастурига муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулосалар, илова ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топади. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқотнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, уларни қурилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг наشري ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бузиб ташланган бино ва иншоотларнинг материалларини қайта ишлашнинг илмий-техник таҳлили”** деб номланган биринчи бобда ечилиши лозим бўлган муаммонинг хорижий ва маҳаллий илмий-техник манбалардаги маълумотларининг таҳлили келтирилган.

Яроқлилик муддати ўтган бино ва иншоотларнинг демонтаж қилинган бетон ва темир-бетон конструкциялари, қурилиш майдонларидаги бракка чиқарилган конструкциялар ва бетон қолдиқларини утилизация қилиш мақсадида механик ишлов бериш орқали майдалаб олинган иккиламчи тўлдиргичлардан бетон ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқаришда эришилган натижалар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Ҳозирги вақтда Республика ҳудудида ҚМЧни қайта ишлаш бўйича қуввати йилига 294 минг тонна чиқиндини ташкил этадиган 13 та корхона мавжуд бўлиб, уларда қаттиқ маиший чиқиндилардан ташқари, плёнкалар ва пластмассалар, қоғоз ва картон, шиналар ва резинотехника буюмлари, металл, шиша, мой ва тўқимачилик чиқиндилари ҳам қайта ишланади. Тадқиқотнинг биринчи босқичида қурилиш чиқиндиси ҳисобланган бетон парчаларидан олинган чақиқ тошдан фойдаланиш хомашё материалларининг юкламасини асосий вариантга солиштирганда 46% гача пасайтириш мумкинлиги кўринади. Табиий чақиқ тош нархининг қурилиш чиқиндиси ҳисобланган бетон парчаларидан олинган иккиламчи чақиқ тошлар нархига нисбати сарф-

харажатларни пасайтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Табиий чақиқ тошнинг нархи бетон парчаларидан олинган иккиламчи чақиқ тошнинг нархидан икки марта ва ундан юқоридир.

Бузиладиган қурилиш конструкциялари демонтаж қилингандан кейин қурилиш чиқиндиларини қайта ишлаш тажрибаси ва таҳлили шуни кўрсатдики, бунда кўп миқдорда бетон, ғишт, шиша, ёғоч, металл, керамика, битум парчалари кўринишидаги ноқондицион чиқиндилар ҳосил бўлади. Бинолар ва иншоотлар бузилган жойлардаги чиқиндилар уларни ташигунга қадар шу жойда қайта ишланиши бўйича хилма-хил турларга саралаб ажратилади. Шундай қилиб, масалан, “Метан эксперт Қўнғирот” махсус ишлаб чиқариш хусусий корхонаси йилига 210 минг тонна қурилиш чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича майдалаш-саралаш майдончасига ва чиқиндиларни сақлаш учун 2,37 гектардан каттароқ худудга эга.

Диссертация мавзуси бўйича келтирилган адабий шарҳ асосида ишчи гипотезаси ифодаланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Ишчи гипотеза. Майдаланган бетондан олинган иккиламчи чақиқ тошлар асосида ишланган оғир бетон таркибининг шаклланиши бўйича назарий тадқиқотлар ва илмий жиҳатдан асосланган нуқтаи назар асосида техноген чиқиндиларни йиғма-темирбетон буюмларга қўллаш экологик-иқтисодий энергия-ресурс тежайдиган самара бериши кутилмоқда.

Диссертациянинг **“Қурилиш саноати чиқиндиларидан иккиламчи майдаланган чақиқ тошли тўлдирувчилар асосида оғир бетоннинг таркибларини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ва (юза фаол моддалар) цемент боғловчи ва намуна ишлаб чиқариш учун тузилган режалар келтирилган. Объектларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, унга кўра йиғма-темирбетонли брусокли тўсинлар бино ва иншоотларнинг 1.038.1-1 қисмидаги намунавий конструкциялари лойиҳасига мос тарзда ГОСТ 948-84 талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди.

Тадқиқот иши қуйидаги материалларни қўллаган ҳолда олиб борилди ва хомашё сфатида (цемент, кум, сув ва кимёвий модификаторлар)ни тадқиқ қилиш, майда тўлдирувчилар ҳажми йириклик модули $M_{кр}=2.15$ ва (0,014) бўлган карьер қумидан фойдаланилди. Бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган тўлдирувчиларнинг фракцияси 5-20мм булган иккиламчи бетон чақиқ тошли тўлдирувчилар фойдаланилди, ўртача зичлиги 2,1 г/см³, тўкма зичлиги 1,31 г/см³, ғоваклиги 7%, бўшлиги 38%, майдаланган ҳолатдаги мустаҳкамлиги М600га тенг. Фойдаланган қўшимча модификаторлар сувда эрийдиган лигносульфанат (ЛСТ), сульфатлар, хлоридлар ташкил этади. ГОСТ 6727-80 га мувофиқ фойдаланган арматуранинг диаметри 4мм, синфи В500, зўриқиш оқувчанлики чегарасининг 6.3 кН ли чузилиш кучига мос келади.

Файдаланилган цемент Қорақалпоқ “Титан цемент” МЧЖ заводининг М400 маркали портландцементи, унинг меъерий (нормаль) қуюқлиги 38,0% ни ташкил этади, цементнинг хоссалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


“Титан цемент” заводининг кимёвий клинкерлик таркиби

Номи	Оксидларнинг массалик улуши, %							Майдалаш даги йўқотилиш, %
	Темир Fe ₂ O ₃	Алюмин Al ₂ O ₃	Кальций CaO	Магний MgO	Кремний SiO ₂	SO ₃	K ₂ O+Na ₂ O	
Клинкер	3,05±3,60	4,50±5,10	65,90±6,50	1,60±2,10	21,80±22,40	2,00±2,60	Не более 1,3	-
КН=0,87÷0,95			СМ=1,7÷2,4			ГМ=0,8÷1,1		
Майдалашнинг нозиклик даражаси (008 элагидан колдик) –1-4% дан куп эмас								

Портландцемент клинкерининг минералогик таркиби

1. Алит C₃S ёки 3CaO SiO₂ 45-65%
2. Белит C₂S ёки 2CaO SiO₂ 15-25%
3. Алуминат кальция C₃A ёки 3CaO Al₂O₃ 5-10%
4. Алюмоферрит кальция C₄AF ёки 4CaO Al₂O₃ Al₂O₃ Fe₂O₃ 8-16%

Бетоннинг оптимал таркибларини аниқлаш учун табиий чақик тош асосидаги бетон қоришмаси ҳамда таркибида турли миқдорларда қум бўлган бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақик тош асосидаги бетон қоришмаларининг хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. 2-жадвалда бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақик тош асосидаги бетон қоришмаларининг таркиблари келтирилган.



1-расм. Бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақик тошли модификацияланган БТТ, МБТ бетон қоришмалари ёпишқоқлигининг материаллар сарфига боғлиқлилик диаграммаси

Шундай қилиб, олинган маълумотлардан солиштирилаётган бетон қоришмаларининг қўзғалувчанлиги 4-5 мартага камайиши тўғрисидаги фикрга келиш мумкин. Бу шундан гувоҳлик берадики, бетон қоришмаларининг қолипланувчанлиги асосан иккита омилдан иборат булиб, тўлдирувчи зарраларининг битум билан бирга сурилиш катталигига ва тўлдирувчи

зарраларининг жамланган сирт юзасига боғлиқ бўлади. Назорат остидаги бетон таркибига пластификаторнинг киритилиши цементни кам сарфлаш билан бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинадиган иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетон қоришмасидан оқилона фойдаланишни шарт-шароитлайди. Масалан, пластификатор кўшилган бетон қоришмасининг таркибидаги цемент миқдори (сарфи)ни 350 кг/м³ дан 280 кг/м³ гача пасайтириш мумкин, бетоннинг оптималь таркиблари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Бетон қоришмаларининг оптималь таркиблари

Бетон тури	Материаллар сарфи, кг/м ³					С/Ц	г к/к+ч	ЧК, см
	Цемент	Кум	Чақиқ тош	Сув	С-3, ЛСТ%			
Назорат	280	895	1040	165	0.46	0.44	3.19	9
МБТ	280	895	1040	165	0.25	0.59	3.09	8

2-жадвалдан турли қўзғалувчанликка эга бўлган бетон қоришмалари қовушқоқлиги (η) нинг тўлдирувчилар аралашмасидаги кумнинг улушига боғлиқлиги, конус чўкиши назорат остидаги бетон қоришмаси учун 9 см га ва МБТ учун эса 8 см га тенг бўлганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Тажрибани математик режалаштириш модели, бетоннинг минералли хоссаларини тадқиқ қилишнинг стандарт услублари, бетон хоссаларининг кимёвий ва микроструктуравий таҳлили”** деб номланган учинчи бобида бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетон қоришмаларининг таркибларини оптималлаштириш учун тажрибани режалаштиришнинг математик модели қўлланилганлиги тўғрисида сўз юритилган. Қоришманинг қўзғалувчанлиги, тўлдирувчилар аралашмасидаги кум улуши ва цемент сарфи асосий омиллар сифатида танланган. Ушбу омилларнинг ўзгариш даражалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Омиллар ва уларнинг ўзгариш даражалари

Код шакли	Пастки даража (-1)	Асосий даража (0)	Юқори даража (+1)	Ўзгариш оралиғи	Омилнинг номи
x1:	0.44	0,59	0.74	0,15	С/Ц
x2:	3.09	3,19	3.29	0,1	К/(К+Ч)
x3:	0	0,25	0,5	0,25	ЛСТ таркиби

Тажриба маълумотларини қайта ишлаш натижасида бетон қоришмаларининг сув талабчанлиги ва бетон мустаҳкамлигининг уч омилли тенгликларга боғлиқлиги қўлланилган кодли ифодаларда олинди:


Сув талабчанликнинг боғлиқлиги

$$R_{\text{сиқ}} = (27.88) + (0.101) * x_1 + (-0.092) * x_2 + (0.576) * x_3 + (0.378) * x_1^2 + (0.725) * x_2^2 + (-3.076) * x_3^2 + (-0.694) * x_1 * x_2 + (0.811) * x_1 * x_3 + (0.501) * x_2 * x_3$$

Тенгламалар таҳлили шуни кўрсатадики, бетон аралашмаларининг сув талабчанлиги учта омилнинг ортиши билан ўсиб боради, бетоннинг


мустаҳкамлиги эса қоришманинг қўзғалувчанлиги ва тўлдирувчилар аралашмасидаги қум улуши ортиши билан камайиб боради.

Кимёвий ва микроструктурали таҳлиллар эритмали электрон микроскопия ва электрон микроскопли электрон-зондли рентген микротаҳлили методлари билан амалга оширилди (2-расм).



2-расм. Бетондаги цемент тоши ва тўлдирувчи орасидаги тегишиш ҳудудининг микрофотографияси (5 микронга катталаштирилган): а) қўшимча қўшилмаган МБТ намунаси, б) МБТ + 0,7% (С-3) намунаси, в) МБТ + 0,25% ЛСТ намунаси.

Рентген фазалари таҳлил (РФТ) кристалли моддаларнинг атом-молекуляр тузилишини тадқиқ қилиш методи бўлиб, бу метод тлқин узунлиги 0,1 нм бўлган рентген нурларининг намуна билан ўзаро таъсирлашишида юзага келадиган дифракцияни ўрганишга асосланган. РФТ рентген дифрактометрида бажарилди ва олинган тасвирлар 3-а,б расмларда кўрсатилган. Таҳлил натижалари 4-жадвалда келтирилган.



3-расм. Намуналарида аморф фазанинг улушини ҳисоблаш учун майдонларни бўлишга доир мисол.

Тадқиқот натижалари ва бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақик тош асосида С-3 суперпластификаторини қўшиб тайёрланган бетон намуналарини, бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақик тош асосида ЛСТ пластификаторини қўшиб тайёрланган бетон намуналарини

ҳамда бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақиқ тош асосида пластификаторларни қўшмасдан тайёрланган бетон намуналаринининг сифатли рентгенфазали таҳлили ушбу намуналарнинг идентик фазали таркибларга эга эканлигини кўрсатди.


4-жадвал

Аморф ташкил этувчиларни ҳисобга олган ҳолда Ритвельд услуги бўйича
РФТнинг миқдорий натижалари


Намунанинг номи	Кварц	Карбонатли минераллар		Клинкер фазалари			Дала шпатлари		Слюда	Na Cl	Аморф лик фаза %
		Кальцит	Доломит	C3S	C2S	C4A F	Альбит	Микроклин	Аннит		
Майдаланган бетон тоши асосида қўшимчасиз	14,2	27,1	7,5	2,3	1,8	1,5	7,4	9,7	1,9	11,6	15,0
Майдаланган бетон тоши асосида қўшимчаси С-3	16,0	25,2	9,2	2,5	2,0	1,4	7,1	9,2	2,0	10,4	15,0
Майдаланган бетон тоши асосида қўшимчаси ЛСТ	15,5	26,5	8,5	2,5	2,0	1,5	7,3	8,5	2,2	10,5	15,0

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таклиф этилаётган модификатор кристалл гидрат фаза CSH(I) миқдорининг ошишига (7,4 дан 8,9 % гача ортишига), гелсимон гидрат аморф компонентлар миқдорининг камайишига (14 Å гидролизланувчи 20,1 дан 11,8 ое гача камайишига) шарт-шароит яратади. Қўшимчалар қўшилган цемент тошининг фазали таркибини таҳлил қилишда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари аниқланди: цемент билан аралаштирилган қўшимчалар гидратли аморф ташкил этувчилар миқдорини (14%) камайтиради, энг катта камайиш С-3 қўшимчаси билан таъминланади, портландит Ca(OH)₂ энг кўп миқдорда камаяди, клинкерли минералларнинг энг кўп захираси лигносульфат (ЛСТ)ли пластификаторларга эга бўлган цемент тошида кузатилади. Намуналарнинг аморфли фазасининг қийматлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди ва ўртча 15% ни ташкил этади.

Синган бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетондан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ушбу бетоннинг физик-механик ва реологик хоссаларини ўрганиш натижалари қуйида келтирилган. Бетоннинг мустаҳкамлиги ва деформацияланиш хусусиятлари ($R_b, R_t, R_{tf}, K_b, \nu, E, \epsilon_{bu}, \epsilon_{tu}, \epsilon_{tfu},$) турли нисбий юкланиш даражаларида миқдорий қиймати 4 ва 5-расмда келтирилган



4-расм. Тажриба учун тайёрланган намуналарнинг синовдан олдинги ҳолати (а) ва бузилиш хусусиятлари(б)



5-расм. Бетон физик-механик хоссаларининг тажрибавий ва ҳисобий қийматларининг таққосланиши (■-ҳисобий, ■-Б.Т.Т хоссаларининг тажрибада аниқланган қийматлари, ■-Б.М.Б хоссаларининг тажрибада)

■-бетоннинг реологик хоссаларини аниқлашнинг назарий ҳисоби


■-стандарт қўшимча (С-3) ва табиий чаққ тош асосида тайёрланган бетоннинг назорат намунаси

■-ЛСТ қўшимчаси ва бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чаққ тош асосида тайёрланган бетоннинг таклиф этилаётган намунаси.

ТТ 13-1 эгилувчан темирбетон элементининг бузувчи моментини қўлланилаётган модификацияланган бетоннинг ҳисобий хоссалари бўйича назарий ҳисоблаш.

Бузувчи моментнинг назарий қиймати:


$$M_{ult,cal} = R_b * b * x * \left(h_0 - \frac{x}{2} \right) = 2,32 * 12 * 0,276 * \left(12 - \frac{0,276}{2} \right) = 91,2 \text{ кгк * см}$$



6-расм. Тажриба намуналарининг синовлар ўтқизилгунга қадар ва синов ўтқизилгандан кейинги ҳолатлари (а ва б), расмда бузувчи юкнинг тажрибада ва назарий қийматларини таққослаш (в) диаграммаси кўрсатилган.

Бузувчи юкнинг тажриба катталигини ҳисоблаш билан таққослаш

№ Қисим да	№ п.п	Темирбетон тусинларнинг шифри	$N_{\text{юк}}^{\text{буз}}$ кН	$M_{\text{буз}}^{\text{наз}}$	$M_{\text{буз}}^{\text{таж}}$	$\Delta\%$	Ўртача $\Delta\%$
Назар. ҳисоб		1.038.1-1, 2ПБ13-1	6,3	91,2			
қисим	1	1.038.1-1, 2ПБ13-1	6,3	91,2	94,5	3,49	8,4
1	2	ПБ 1-1 табиий чақиқ тошда	6,3	91,3	94,5	3,36	
	3	ПБ 1-2 табиий чақиқ тошда	7,5	91,3	112,5	18,8	
	4	ПБ 1-3 табиий чақиқ тошда	6,6	91,3	99	7,8	
2	1	ПБ 2-1 майда. бетон тошида	7,2	91,3	108	15,4	13,2
	2	ПБ 2-2 майда. бетон тошида	6,6	91,3	99	7,7	
	3	ПБ 2-3 майда. бетон тошида	6,6	91,3	99	7,7	
	4	ПБ 2-4 майда. бетон тошида	7,8	91,3	117	21,9	



7-расм. Тажриба намуналарининг умумий таққосланиши

Синовлар ўтказилгандан кейин темирбетон тўсинларнинг тажриба намуналарини бузувчи ҳисобий юк 630 кг ни ташкил этди. Табиий чақиқ тош асосидаги тўсинларнинг биринчи сериясини синовдан ўтказгандан кейинги тадқиқот натижаларини таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, унга кўра бузувчи юк 680 кг ни ташкил этган бўлса, бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақиқ тошли тўлдирувчи асосидаги тўсинларнинг иккинчи серияси синовдан ўтказилганда бузувчи юкнинг ўртача қиймати 705 кг га етди. Тажриба намуналари бўйича ўтказилган тажриба синовларининг натижаларини қайта ишлаш маълумотлари 6-расмда кўрсатилган ва 5-жадвалда келтирилган.

Диссертациянинг **“Экологик баҳолаш учун темирбетон буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини тадқиқ қилиш ва техник-иқтисодий самаралар”** деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотлар натижаларини татбиқ этиш учун асосий корхона сифатида **“Метан эксперт Қўнғирод”** ХК танланди. Темирбетон чиқиндиларини қайта ишлашнинг мавжуд технологияси 6-жадвалда тақдим этилган.

Бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинадиган чақиқ тош асосида темирбетон тўсинларни тайёрлашнинг атроф-муҳитга эҳтимолий салбий таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ҳаётий даврининг А ва Б даврлаштирилган

схемалари кўриб чиқилди. Темирбетон тўсинларни тайёрлашнинг ҳар бир босқичида атроф-муҳитга кўрсатилиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олиш кўзда тутилиши лозим, бу эса ўз навбатида А ва Б ҳаётий даврларнинг барча босқичларида атроф-муҳитдаги вазнларни пасайтириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Қурилиш чиқиндиси деб ҳисобланган бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақик тош асосидаги темирбетон тўсинларни экологик жиҳатдан баҳолашнинг асосини А ва Б ҳаётий даври бўйича баҳолаш ташкил этди.

А давр-йирик ҳажмли қурилиш чиқиндилари (бетон ва темирбетон синиқлари)ни қайта ишлашни ўз ичига олса, Б давр-ТББни ишлаб чиқаришнинг агрегатли-оқим технологиясига мувофиқ темирбетон буюмларни, хусусан, темирбетон тўсинларни тайёрлашдан иборатдир.

б-жадвалдан кўриниб турибдики, бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақик тош асосида темирбетон буюмларни тайёрлашда агрегат-оқимли ишлаб чиқаришнинг таклиф этилаётган технологиясини экологик юкломани икки мартагача тушириши мумкин.

б-жадвал

Бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақик тош асосида тайёрланадиган темирбетон буюмлар, хусусан, темирбетон тўсинлар ишлаб чиқарилишини экологик баҳолашнинг йириклаштирилган схемаси

Мавжуд технология	
Ишлаб чиқариш пайтида салбий таъсирлар	Баллар
Зарарли чиқиндилар	4
Қувват сарфи	4
Кум чангининг ҳосил бўлиши	3
Қаттик чиқиндиларни ишлаб чиқариш	1
Атмосферага чиқарилган чиқиндилар CO, CO ₂	2
Шовқин таъсири	3
Ташиш пайтида чиқиндилар	2
Жами:	19
Тавсия этилган технология	
Ишлаб чиқариш пайтида салбий таъсирлар	Баллар
Зарарли чиқиндилар	1
Қувват сарфи	5
Кум чангининг ҳосил бўлиши	2
Қаттик чиқиндиларни ишлаб чиқариш	2
Атмосферага чиқарилган чиқиндилар CO, CO ₂	2
Шовқин таъсири	2
Ташиш пайтида чиқиндилар	1
Жами:	15

Қурилиш чиқиндиларини қурилиш материали сифатида темирбетон буюмларни ишлаб чиқаришга қўллаш жараёнини экологик баҳолаш методикаси куйидаги;

қурилиш чиқиндиларининг бир тури ҳисобланган бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақик тош асосидаги темирбетон тўсинларнинг узокқа чидамлилиқ кўрсаткичларини таққослаш;

темирбетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг узлуксиз-оқим технологияси

қўлланилганда атроф-муҳитга кўрсатиладиган салбий таъсирларни баҳолаш;

майдаланган бетондан олинган иккиламчи чақиқ тошни қурилиш материали сифатида темирбетон буюмларга, хусусан, темирбетон тўсинларга қўллаш мумкинлигини асослаб бериш ва уларни экологик таснифлаш каби бошқичларни ўз ичига олади.

Бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақиқ тошли тўлдирувчи асосидаги темирбетон буюмлар, хусусан, темирбетон тўсинларни тайёрлаш учун техник-иқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда икки вариант бўйича иқтисодий самара аниқланди:

1-вариант “Метан эксперт Қўнғирод” ХК полигонларида синган бетон парчаларидан иборат бўлган қурилиш чиқиндиларини қайта ишлашнинг мавжуд технологияси;

2-вариант бетон парчаларидан иборат бўлган қурилиш чиқиндиларини темирбетон буюмлар, хусусан, темирбетон тўсинларни тайёрлашга қўллашнинг агрегат-оқимли технологияси. Иқтисодий самара 7-жадвалда тақдим этилган.

7-жадвал

Хомашё ресурсларига сарфланадиган маблағларни ҳисоблаш

Материал номи	Ўл. бир	Нархи, сўм	Йиллик сарф, т	Сумма, минг сўм
1-вариант (мавжуд технология)				
Қаттиқ жинсли табиий чақиқ тоши	т	60000	100	6000000
Табиий чақиқ тош асосидаги темирбетон тўсин	шт	180440	1000	180440000
Суперпластификатор С-3	кг	10000	470,12	4701200
Жами:				191141200
2-вариант (таклиф этилаётган технология)				
Қаттиқ жинсли чақиқ тош асосидаги бетон	т	35000	100	350000
Бетон парчаларидан олинган чақиқ тош асосидаги темирбетон тўсин	шт	99340.3	1000	99340348
ЛСТ пластификатори	кг	7500	470,12	3525900
Жами:				103216248

7-жадвалдан кўришиб турибдики, қурилиш чиқиниси деб ҳисобланган бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақиқ тошдан фойдаланилганда хомашё материалларига сарфланадиган маблағлар статияси бўйича иқтисодий юклама базавий вариантга нисбатан 46% гача пасаяди. Табиий чақиқ тош нархининг бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақиқ тошлар нархига нисбати сраф-харажатларни пасайтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Табиий чақиқ тошнинг нархи бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақиқ тош нархига қараганда 2 марта юқоридир. Бетон парчаларини майдалаш йўли билан олинган чақиқ тош асосида тайёрланган эгилувчан темирбетон буюмлар, хусусан, темирбетон тўсинларнинг бир донаси учун ўртача статистик нарх 99340.3 минг сўмни ташкил этди. Юқоридаги ҳисоб китобни ҳисобга олган ҳолда битта тусиндан иқтисодий самара 81099.7 минг сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Кўзгалувчанлиги ва пластик мустаҳкамлиги юқори бўлган майдаланган бетондан олинган чақиқ тошли тўлдирувчилар асосида модификацияловчи платификаторлар комплексли кўллаш йўли билан олинган оғир бетоннинг самарадорлигини ошириш имконияти асослаб берилди.

2. Тажрибани математик режалаштириш услуги ишлаб чиқилди. Бетон қоришмаси кўзгалувчанлигининг сув-цемент нисбати, кум улуши, тўлдирувчиларнинг аралашмаси ва цемент сарфи бетон қоришмасини тайёрлаш учун асосий омиллар сифатида танланди. Майдаланган бетондан олинган чақиқ тош асосидаги саноат каттик чиқиндиларидан фойдаланиш учун бетон қоришмасига унинг кўзгалувчанлик шартларини таъминловчи лигносульфанат (ЛСТ) пластификаторларини кўшиш билан бетоннинг оптимал таркибини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди.

3. Боғловчи вазнига нисбатан 46% миқдорда С-3 пластификатори кўшилган табиий чақиқ асосидаги бетон ва боғловчи вазнига нисбатан 0,25% миқдорда лигносульфанат (ЛСТ) кўшилган майдаланган бетондан олинган чақиқ тош асосидаги бетондан тайёрланган тажриба намуналарини синаш натижаларига асосланган ҳолда бу бетон қоришмалари ўртача зичлиги ва мустаҳкамлиги, бетон қоришмасининг қулай жойлашувчанлиги бўйича оптимал таркибга эга эканлиги асосланди.

4. Тадқиқот натижалари ҳамда таркибига С-3 пластификатори кўшилган ва бетон синиқларини майдалаб олинган чақиқ тош асосидаги бетондан, таркибига лигносульфанат (ЛСТ) кўшилган ва бетон синиқларини майдалаб олинган чақиқ тош асосидаги бетондан, пластификаторсиз ва бетон синиқларини майдалаб олинган чақиқ тош асосидаги бетондан тайёрланган намуналарнинг сифатли рентгенфаза таҳлили ушбу намуналар идентик фазавий таркиб эга эканлигини кўрсатди. Намуналарнинг аморф фазаси қийматлари бир биридан фарқ қилиши ўртача 15% ни ташкил этди. Бу намуналарни синаш натижалари материалнинг аморф фазаларининг юзалари манфий хусусиятга эга эмаслигини кўрсатди. Цементни органик минералли кўшимчалар лигносульфанат (ЛСТ) билан гидратлаш қандайдир янги гидратли фазаларнинг ҳосил бўлишини келтириб чиқармади.

5. Намуналарни синаш услуги ишлаб чиқилди ва уларни синаш натижаларига кўра майдаланган бетондан олинган чақиқ тош асосидаги бетоннинг физик-механик хоссалари (кубик мустаҳкамлиги, призматик мустаҳкамлиги, статик эластиклик модули ва призматик мустаҳкамлик коэффициенти, шунингдек, эгилишдаги чўзилишга нисбатан мустаҳкамлиги) ҚМ 52-101-2003, ҚМ 52-102-2004, ҚМ 6313330-2012, ГОСТ 13015.0-2003 га тўлиқ мос келади.

6. Майдаланган бетондан олинган чақиқ тошли иккиламчи тўлдирувчилар асосида бетон буюмларни олиш технологияси ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари ГОСТ 1.038.1-1 га мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳа қоидаларлари талабларини қаноатлантирувчи турли темирбетон конструкцияларни олиш мумкинлигини кўрсатди.

7. Темирбетон конструкцияларни, хусусан дераза ва эшик ўринлари усти тўсинларини тайёрлаш учун экологик ҳаётий даври ишлаб чиқилди. Майдаланган бетондан олинган чақиқ тошли тўлдирувчилар асосида темирбетон тўсинларни тайёрлаш технологияси кўриб чиқилди. Бетон чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда таркибий самарадор темирбетон тўсинларни олиш учун тайёрланадиган қоришманинг хомашёвий таркибий қисмлари сарфининг миқдорий нисбатлари аниқланди. Хавфлилик синфи кичик бўлган буюмларни олиш учун хавфлилиги бўйича 5-синфга тегишли бўлган чиқиндиларни қўллаш йўли атроф-муҳитга кўрсатиладиган экологик юкларни пасайтириш мумкинлиги асослаб берилди.

8. Майдаланган бетондан олинган чақиқ тош асосида темирбетон устунларни тайёрлаш жараёнини А ва Б ҳаётий даврнинг асосий босқичида экологик баҳолаш методи ишлаб чиқилди ва шакллантирилди. Экологик юкларнинг икки барабарга камайиши аниқланди.

9. Боғловчи таркибий қисмлардан фойдаланган ҳолда ТББни ишлаб чиқариш бўйича агрегатли-оқим технологиясининг схемаси ишлаб чиқилди, шунингдек, чиқиндиларни сақлаш жойларида экологик вазнинг пасайганлиги ва энергия эҳтиёжларини таъминлашга сарфланадиган маблағлар ҳажми асосий вариантга нисбатан 33% гача камайганлиги аниқланди. Ишлаб чиқаришнинг амалдаги технологияси билан солиштирилганда таклиф этилган янги технология бўйича тайёрланадиган темирбетон буюмлар таннархи асосий таннархга нисбатан 46% гача пасайишидан эришиладиган иқтисодий самара аниқланди ва майдаланган бетон чақиқ тоши асосида ишланган темирбетон тўсинлар, ишлаб чиқаришнинг экологик вазининг камайиши 15 баллга салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

10. Майдаланган бетондан олинган чақиқ тош асосида темирбетон буюмларни, хусусан темирбетон тўсинларни ишлаб чиқаришнинг агрегатли-оқим технологиясини иқтисодий-экологик баҳолашнинг йириклаштирилган схемаси ишлаб чиқилди ва асослаб берилди. Темирбетон буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишчи ҳудудлар устида атроф-муҳитга етказиладиган экологик зарарнинг ҳажми аниқланди. Қурилиш чиқиндилари тўпланган жойда шу чиқиндилардан иккиламчи чақиқ тош олиш методини қўллаш йўли билан қурилиш чиқиндиларининг атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсирини пасайтириш учун иқтисодий эффект ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ
БЕРДАХА**

ПАХРАТДИНОВ АЛПАМЫС АБДИРАШИТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ
ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ПЕРЕМЫЧЕК ИЗ МОДИФИЦИРОВАННОГО
БЕТОНА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ВТОРИЧНЫХ ЗАПОЛНИТЕЛЕЙ**

05.09.05 – Строительные материалы и изделия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент-2022

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/T1483

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете имени Бердаха. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научные руководители: **Ильясов Алланазар Тореханович.**
доктор философии по техническим наукам(PhD), доцент

Официальные оппоненты: **Баходиров Азизбек Абдулазизович**
доктор технических наук, профессор
Шокиров Туйгунжон Тургунович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «11» Марта 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, (Адрес: 100011, г. Тошкент, ул. Абдулла Кадири, дом 7в. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №73). (Адрес: 100084, г. Тошкент, Кичик Халка йўли, д. 7. Тел.: (99871) 232-43-30 факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz), (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «24» Февраля 2022 года.
(реестр протокола рассылки №10 от «28» Декабря 2021 года).

Х.А. Акрамов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Т. Хотамов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Б.А. Асқаров

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В сфере производства строительных материалов и изделий мировой стройиндустрии вопросы ресурсо- и энергосбережения и применения эффективных методов совершенствования технологий их производства заняли ведущее место. В связи с этим, в производстве бетонных и железобетонных конструкций имеет большое значение, в том числе, переработка демонтированных бетонных и железобетонных конструкций зданий и сооружений, а также производство вторичных заполнителей путем дробления, путем механической обработки для утилизации больших кусков бетонного лома и остатков бетона на железобетонных заводах и строительных площадках.

В мировой практике отмечается тенденция к созданию технологий производства вторичных заполнителей, отвечающих необходимым требованиям, позволяющим сохранить природные заполнители в мире. В том числе, в зависимости от технологии переработки, полезных компонентов: крупного заполнителя (вторичный щебень), мелкого заполнителя (песок из бетонного лома), песчано-гравийных смесей. Проводится большая научно-исследовательская работа, направленная на выявление, создание технологий производства бетонных и железобетонных конструкций на основе вторичных наполнителей, технико-экономическая и экологическая оценка их использования. Изучаются влияние свойств вторичных заполнителей (гранулометрический состав, пористость, водопроницаемость и др.) на свойства приготовленной бетонной смеси и затвердевшего бетона, зоны контакта между цементным камнем и вторичным заполнителем, формирование структуры в затвердевшем бетоне, оптимизация состава бетона. Кроме того, одной из важных задач является создание технологий производства малозатратных, экологически чистых бетонных конструкций, железобетонных изделий и конструкций, отвечающих требованиям нормативных документов.

